2009 йил 29 октябрь, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 212 (11.523) Баҳоси эркин нархда

**XXI аср садоси**

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда МДҲнинг Темир йўл транспорти бўйича Кенгаши раиси, «Россия темир йўллари» ОАЖ президенти Владимир Якунинни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон ва МДҲ ҳамда Болтиқбўйи давлатлари темир йўл компаниялари ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.
- Кеча Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида «Инқирозга қарши чоралар дастурининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуида матбуот конференцияси бўлиб ўтди.
- Наманганда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди, вилоят ҳокимлиги, «Келажак нури» нодавлат нотижорат ташкилоти, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида «Соғлом қиз — соғлом она — соғлом фарзанд — соғлом келажак» лойиҳаси доирасидаги ёшлар ижтимоий акциясининг якуний конференцияси ўтказилди.
- Самарқандда аҳолини сифатли истеъмол товарлари билан таъминлаш, савдо субъектлари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида савдо-кўргазма ташкил этилди. Самарқанд вилояти «Таъминотсавдо» уюшмаси томонидан уюштирилган мазкур тадбирда 150 дан ортиқ ишлаб чиқариш фирмалари, 20 га яқин хусусий корхоналар ва бошқа савдо тузилмалари қатнашди.
- Сурхондарё вилоятидаги «Шиндонг спининг Термиз» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида минг тонна калава ип ишлаб чиқарилди. Маҳсулотнинг 90 фоизи, яъни 1 миллион 450 минг АҚШ доллари ҳажмидагиси хорижга экспорт қилинди. 2010 йилнинг биринчи чораги охиридан бошлаб корхона тўла қувват билан ишлай бошлагач, йилига 8 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади, қўшимча 70 та ишчи ўрни яратилади.
- Бухоро туманидаги «Иссиқсув» шифо масканида 1200 метр чуқурликда 52 даража иссиқликда отилиб чиқаётган шифобахш сувни қадоқланган ҳолда истеъмолчиларга етказиш йўлга қўйилди. МЧЖ шаклида фаолият кўрсатаётган маскан маъмурияти бунинг учун хориждан 90 миллион сўмлик маблағ эвазига янги технология олиб келиб ўрнатди. Айни пайтда бу ерда соатига 700 шартли банка сув қадоқланмоқда.

## ЖАҲОНДА

- 2010 йил 17 январда Украинада президент сайлови бўлиб ўтади. Бугунга қадар президентликка номзод сифатида 7 киши рўйхатга олинган.
- Эстония Президенти Тоомас Хендрик Илвес оммавий тартибсизликларда қатнашганлик ва давлатга қарши фаолият учун бериладиган жазоларни оғирлаштирувчи бир нечта қонунни имзолади. Улар жумладан, Пенитициар кодекс, «Жамоат хизмати тўғрисида»ги, «Чет элликлар тўғрисида»ги қонунларга тегишлидир.
- Афғонистоннинг Кобул шаҳрида жойлашган БМТ ваколатхонасига жангарилар томонидан ҳужум уюштирилди. Ҳужумни «Толибон» жангарилар гуруҳи амалга оширган бўлиб, мамлакат Ички ишлар вазирлигининг маълум қилишича, ҳужум чоғида 13 киши ҳалок бўлган, 10 га яқин одам турли даражадаги тан жароҳатларини олган.
- Жаҳоннинг етакчи хом ашё биржаларида ўтказилган навбатдаги савдолар давомида нефть нархи сезиларли даражада ошди. Жумладан, Нью-Йорк биржасида бир баррел нефтнинг нархи 79,55 доллар миқдорида қайд этилган. Бу йил бошидан буён ушбу маҳсулот нархидаги энг юқори кўрсаткичдир. Қувонарли томони шундаки, нефть нархининг ошиши жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган барқарорлик аломатидир.
- Гаагадаги собиқ Югославия бўйича халқаро трибунал Болқондаги фуқаролар уруши даврида инсониятга қарши жиноятлар содир этганликда айбланаётган Босния серблари етакчиси Радован Караджичнинг ишини кўришни 2 ноябргача тўхтатиб туришга қарор қилди. Бунга Караджичнинг охирги икки суд мажлисида қатнашишдан бош тортганлиги сабаб бўлди.

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200 2009 ТОШКЕНТ



**МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари Темир йўл транспорти маъмуриятлари кенгашининг 51-мажлиси доирасида «Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи» очиқ акциядорлик жамиятида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси тизимига кирувчи тўртта йирик ишлаб чиқариш корхонасида ишлаб чиқарилган ҳамда модернизация қилинган транспорт воситаларининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

## ЯНГИ ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ТАҚДИМОТИ

Тадбирда "Ўзтемирйўлмаштаъмирлаш" унитар корхонасида ишлаб чиқарилган ва модернизация қилинган "UzTE16M" русумидаги икки секцияли тепловоз намойиш этилди. Ушбу корхонада ҳар йили 150 дан ортиқ тепловоз ва электровоз, 350 дан зиёд юк ташиш вагони капитал таъмирланиб, модернизация қилинади, шу тариқа улардан фойдаланиш муддати узайтирилади. Айни пайтда Коломен заводида (Россия) ишлаб чиқарилган локомотивлар модернизация қилинмоқда, дизеллар ўрнатилмоқда.

Тадбирда, шунингдек, "Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи" очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган музлатгич мосламалари ўрнатилган йўловчи ташувчи купе вагони ҳам намойиш этилди. Бу вагон барча техник қулайликларга эга, унда ёнғин хавфсизлиги тизими, ёнғин сигнализацияси ва ёнғинни ўчириш воситалари ўрнатилган. Вагон ичидаги мосламалар ўтда ёнмайдиган қурилмалар билан қопланган, авария эшиги ҳам мавжуд. Янги вагон 36 нафар йўловчини ўз ичига олади ва соатига 160 километр тезлик билан ҳаракатланишга мўлжалланган.

2001 йилда ташкил этилган "Тошкент йўловчи вагонларини қуриш ва таъмирлаш заводи" очиқ акциядорлик жамиятида айни пайтда 1350 нафардан ортиқ киши меҳнат қилмоқда. Ҳозир заводда 250 дан ортиқ вагон капитал таъмирланмоқда ва модернизация қилинмоқда, уларни ишлатиш муддати яна 15 йилга узайтирилади.

Андижон механика заводида тайёрланган нефть ва кимё маҳсулотларини ташишга мўлжалланган цистерналар ҳам тадбир иштирокчилари ва мутахассислар эътиборини тортди. Ушбу заводда йил давомида 150 дан ортиқ цистерна капитал таъмирланиб, 450 дан ортиқ юк ташиш вагони модернизация қилинади. Бу ерда намойиш этилган бошқа янгиликлар – 11-97-69 русумидаги ёпиқ вагон, 12-97-68 русумидаги ярим вагон ва цемент ташиш учун мўлжалланган 13-4-12 русумидаги вагонлар ҳам катта қизиқиш уйғотди. Улар Тошкент қуйиш-механика заводида тайёрланмоқда. Ушбу шўъба корхона корпусларида 100 дан зиёд юк ташувчи ва 100 дан ортиқ ёпиқ вагон ишлаб чиқарилади.

Тақдимот маросими иштирокчилари ўзбекистонлик темир йўлчилар тайёрлаган транспорт воситаларини, уларни такомиллаштиришга хизмат қиладиган янги жиҳатларни юксак баҳолади.

**В.НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири**

**Иордания пойтахти Оммон шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарининг араб тилидаги нашри тақдимоти бўлиб ўтди. Тадбирда Иорданиянинг Давлат сектори масалалари бўйича вазири Нэнси Бакир, Иордания Ташқи ишлар вазирлиги ва ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик корпуслар, маҳаллий илмий, ишбилармон ва ижтимоий доиралар вакиллари, журналистлар иштирок этишди.**

## ИОРДАНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ КИТОБИНИНГ ТАҚДИМОТИ

Ўзбекистон Республикасининг Оммондаги фахрий консули, "Абу Ғазалий груп" халқаро компанияси бош директори Луай Абу Ғазалий Ўзбекистон Президентининг мазкур асари, унинг асосий моҳияти ҳақида сўз юритар экан, "Ўзбекистонда олиб борилган изчил ислоҳотлар натижасида эришилган муваффақиятлар мамлакатнинг тўғри, тенг ҳуқуқли, ўзаро фойдали иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик учун очиқлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон иқтисодиётига хусусан дунёнинг мусулмон давлатларидан йўналтирилган сармоялар ҳамкорларнинг ушбу ёш мамлакатга ишончи, унинг имкониятлари ва истиқболларига берилган юқори баҳоларидан далолатдир", дея таъкидлади.

Арабларaро глобал ривожланиш сари ташкилоти ижрочи директори Самар ал Лабад хонимнинг қайд этишича, "Президент Ислом Каримов китобининг моҳиятини ташкил этган ўзбек халқининг меҳнати билан эришилган улкан иқтисодий натижалар уни ҳайратга солган. Фақат кенг иқтисодий дунёқарашга эга раҳбар томонидан бошқарилаётган халқгина биз бугун танишган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда юқори натижаларни қўлга киритишга қодирдир", — дея таъкидлади Самал ал Лабад хоним.

Иорданиядаги ўзбек диаспораси раҳбарларидан бири, тадбиркор Муҳаммад Амин Бухарин эса қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:

— Ватандан олисда туриб биз унинг ютуқларидан жуда ҳам хурсандмиз, мустақиллик ҳақида орзу ва дуо қилган аждодларимиз мамлакатининг тараққиётидан завқланамиз. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ўз самарадорлигини кўрсатди, бу эса Ўзбекистоннинг ривожланиши ҳақидаги умидларимизни мустаҳкамламоқда.

Тадбир чоғида иштирокчилар мамлакатимизнинг бугунги кундаги сармоявий ва сайёҳлик салоҳияти, бўлажак парламент сайловларининг ўтказилишига тайёргарлик жараёнининг бориши билан ҳам танишишди.

**«Жаҳон» АА, Оммон**

**Ҳуқуқий демократик давлатни шакллантириш жараёнида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Айни шу омил қонун устуворлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Шу боис мамлакатимизда мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада зарур қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларнинг ижроси билан шуғулланувчи давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилган.**

**Фармон ва ижро**

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Давлатимиз раҳбарининг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилашга доир фармонига биноан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир.

(Давоми 2-бетда).

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**Хабар берилганидек, 27 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Комиссия раиси М.Абдусаломов бошқарди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепциянинг бажарилиши кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонунининг 8-моддасига биноан Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди ва бу борада тегишли қарор қабул қилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг барча маъмурий-ҳудудий тузилмаларида округ сайлов комиссиялари томонидан сайлов участкалари тузилганлиги тўғрисидаги ахборот тингланди. Сайлов участкалари фуқароларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида туманлар, шаҳарлар, шаҳарлардаги туманларнинг чегараларини инобатга олган ҳолда тузилди. Мамлакатимиз бўйича 8,4 мингдан зиёд сайлов участкаси ташкил этилди.

Сайлов участкаларининг рўйхати уларнинг манзили кўрсатилган ҳолда маҳаллий матбуотда эълон қилинади. Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов комиссияларини шакллантириш борасидаги ишлар бошланди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

**(ЎзА)**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари иштирокида бўлиб ўтган маънавий-маърифий давра суҳбати «Миллий ғоя — бизнинг ғоя» деб номланди.

✓ **2-ТОШКЕНТ** юридик коллежида «Тил — маънавият кўзгуси» мавзуида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда ўқитувчилар, ўқувчилар, тилшунос олимлар иштирок этишди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Ғафур Ғулом номли маданият уйида Тошкент шаҳар корейс миллий маданият маркази ҳамкорлигида «Даврани кенгроқ олинг» мавзуида бадиий ҳаваскорлик жамоалари, тўгараклар, курслар раҳбарлари, қатнашчилари, Тошкент шаҳар корейс миллий маданият маркази вакиллари иштирокида рақс кечаси ташкил этилди.

# ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

*(Давоми. Боши 1-бетда).*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида "Юксак ҳуқуқий маданият қонун устуворлигининг гаровидир" мавзуида бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияда шу ҳақда гап борди.

Тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётганислоҳотлар жараёнида шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада ошириш вазифаси демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарти сифатида белгилангани қайд этилди. Амалда уларнинг ижроси изчиллик билан таъминланаётгани аҳолининг ҳуқуқий маданияти тобора юксалаётгани ва жамият ҳаётидаги фаол иштирокида намоён бўлмоқда.

Хусусан, адлия идоралари бу йўналишда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда кенг тарғибот тадбирларини ўтказмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш, шунингдек, аҳолининг ҳуқуқий тафаккурини ошириш мақсадида адлия идоралари томонидан кўплаб тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокуратураси ва бир қатор вазирликлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган илмий-амалий конференцияда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва солиқ тизими ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, шунингдек, бу борада оилавий тарбия, фуқаролик жамияти, мактаб таълимининг иштирокини мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

Анжуманлар

# ОИЛА — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ

**Оила — муқаддас қўрғон, оила — ҳаёт гултожи деб бежиз таъриф берилмайди. Зеро,оила — келажак авлод бардавомийлигини таъминловчи қутлуғ гўшадир. Ҳар бир инсон, ҳар бир оила ва жамиятнинг муқаддас вазифаси — энг аввало соғлом, баркамол фарзандларни вояга етказиш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан етук, ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам «Оила — жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга... Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади», деган сўзлар бор.**



Бугунги кунда оила мустаҳкамлигини таъминлаш борасида юртимизда самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, куни кеча Тошкент шаҳар 2-«Шодлик» никоҳ уйи ташаббуси билан ўтказилган «Оила — ҳаёт гултожи» мавзуидаги ёш оила қурувчилар мактаби машғулотида ҳам оила мустаҳкамлигини таъминлаш, соғлом авлодни камолга етказиш хусусида сўз борди. Анжуманда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси вакиллари, етук мутахассис олимлар ҳамда мустақил ҳаёт остонасида турган, никоҳга ариза берган ёшлар, Юнусобод машинасозлик касб-ҳунар коллежи, Тошкент Молия институти қошидаги молия академик лицейи, Тошкент Кимё технологиялари институти қошидаги академик лицей



ўқувчилари иштирок этишди.

Тадбирни Тошкент шаҳар 2-«Шодлик» никоҳ уйи раҳбари Гўзалхон Усмонова кириш сўзи билан очар экан, ҳар ойда мунтазам ўтказиб келинаётган ёш оила мактаби машғулотларини уюштиришдан мақсад, оилалар мустаҳкамлигини, тотувлигини таъминлаш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлом авлодни вояга етказиш, ёшларни турмушга тайёрлашдан иборат эканлигини таъкидлар экан, бу борада Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш ва соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари муҳим дастуруламал бўлаётганлигини қайд этиб ўтди. Тадбирда Президентимизнинг ушбу Қарорларининг мазмун-моҳияти ҳақида Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ФҲДЁ бўлими бошлиғи Гулнора Иномжонова, шунингдек, тиббиёт фанлари номзоди Назира Шайхова, Республика «Оила» илмий-амалий маркази ходими, руҳшунос, оилашунос олима Маҳбуба Мираҳмедова, Республика Репродуктив саломатлик маркази ходими Дилбар Аҳмедова, Юнусобод туманидаги Умар ибн Хаттоб жоме масжиди имом хатиби Мансур Даминов сўзга чиқиб, ёш оила мактаби тингловчиларига «Репродуктив саломатлик нима?», «Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантириш», «Қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта никоҳларнинг олдини олиш», «Тиббий кўрикнинг аҳамияти», «Соғлом она — соғлом бола» сингари мавзуларда сўз юритиб, ёшларга керакли маслаҳатлар, тавсиялар бердилар.

— Мен бугунги ёш оила мактаби машғулотида етук мутахассисларнинг қизиқарли маърузаларини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим, билмаган нарсаларимни билиб олдим, керакли маълумотларга эга бўлдим, — деди анжуман якунида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирган ёш оила мактаби тингловчиси Сардор Ашуров. — Ўйлайманки, бугунги долзарб мавзудаги маърузалар мустақил ҳаётга қадам қўяётган биз ёшлар учун ниҳоятда зарур, муҳим ҳаётий қўлланма бўлди. Ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш мақсадида ўтказилаётган ёш оила мактаби машғулотлари оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиз.

Ниҳоятда қизиқарли ўтган ёш оила мактаби машғулоти сўнгида ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан керакли жавобларни олдилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Оила — ҳаёт гултожи» мавзуидаги ёш оила қурувчилар мактаби машғулотидан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

---

Олий ўқув юртларида

# ИННОВАЦИЯНИНГ ҲАЁТИМИЗДАГИ ЎРНИ

**Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида олимлар, тадқиқотчилар, саноатчилар, тадбиркорлар иштирокида «Инновация — 2009» анъанавий XIV халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.**

Анжуманнинг ялпи мажлисини Тошкент Давлат техника университети ректори, профессор Ш.Шообидов кириш сўзи билан очди. Тадбир инновациялар ва информатизация маркази директори, профессор О.Қодиров, Нидерландия қироллигининг фахрий консули Хьюга Миндерхаут, Украина Миллий Фанлар академиясидан А.Ферлень ва бошқаларнинг «Миллий инновацион тизимларни ташкил қилиш муаммолари ва истиқболлари», «Голландияда саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда инновациянинг роли», «Таълим соҳасидаги ривожланишнинг инновацион асослари» ва бошқа долзарб мавзудаги тақдим этилган ва тингланган маърузаларнинг муҳокамаси билан бошланди.

Анжуман кунлари «Ёшлар ва таълим муаммолари», «Иқтисод соҳаларида инновацион жараёнлар», «Табиий минерал хом ашёвий ва ёқилғи-энергетик ресурслардан оқилона фойдаланиш муаммоларини ечиш учун инновацион технологиялар ва усуллар», «Қонунчилик иши ва металлургия», «Технологик жараёнлар ва объектларни бошқаришнинг автоматик ва автоматлаштирилган системалари», «Системавий таҳлил ва математик моделлаш», «Информацион технологиялар ва системалар ҳамда уларнинг амалий аспектлари (масофавий таълим, электрон савдо ва бошқалар). «Информацион хавфсизлик муаммолари», «Сув-Саҳро-Экология», «Муаммолар ва ечимлар» йўналишлари бўйича шўъбалар фаолият кўрсатди. Умумий мажлис ва шўъбаларда Республика вилоятлари ҳамда Россия, Германия, Жанубий Корея, Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлар вакилларининг 200 дан ортиқ долзарб мавзудаги маъруза ва бошқа илмий-амалий ишлари тақдим этилди ва муҳокама қилинди.

Анжуман материалларининг нашр этилганлиги ва тарқатилганлиги ҳамда тадбирда қатнашиш, ижодкорлар ва тадбиркорларнинг инновацион технологик ривожланиш соҳасидаги интеллектуал билимларини кўпайтириш, фан ва техника ютуқларини намоён этиш, тажриба ва фикр алмашиш хорижий давлат вакилларининг Ўзбекистоннинг катта интеллектуал ва иқтисодий салоҳияти билан танишиш имкониятларини янада кучайтиради.

Анжуманнинг якунловчи йиғилишида шўъбаларда билдирилган илмий-амалий аҳамиятга эга бўлган фикрларни илмий журналларда ва тўпламларда чоп этишга тавсия қилинди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

---

## Сўранг, жавоб берамиз

**Савол: — Газетангизда «Сўранг жавоб берамиз» рукни остида босилаётган материалларни диққат билан ўқиб бораман. Ўрни келганда мен ҳам бир савол бермоқчиман, яъни "Никоҳ шартномаси" деганда нималарни тушуниш мумкин?**

**Илҳом Суюнов,**
**Сергели тумани.**

**Жавоб:** —"Никоҳ шартномаси" эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини белгиловчи тушунчадир. Яна ҳам аниқроғи у – никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ёхуд эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишув ҳисобланади.

Никоҳ шартномаси – никоҳ давлат рўйхатига олингунига қадар бўлажак эр ва хотинлар ўртасида, шунингдек, никоҳ даврида ҳам тузилиши мумкин.

У никоҳ қайд этилган кундан эътиборан кучга киради. Шартнома ёзма шаклда тузилиб, албатта, нотариал тартибда тасдиқланиши лозим.

Никоҳ шартномасини тузиш ёки тузмаслик, бу фақат эр-хотиннинг ўзига тегишли ҳуқуқи ҳисобланади.

Бундан ташқари, ушбу шартномада эр ва хотин ўзаро таъминот бериш, оила харажатларини биргаликда кўтариш, бир-бирининг даромадида иштирок этиш, бошқа шахслар билан мулкий шартномалар тузиш, биргаликда тадбиркорлик билан шуғулланиш бўйича ўз ҳуқуқи ва мажбуриятларини белгилаб олиш, никоҳдан ажратганда эр ва хотин ҳар бирига бериладиган мулкни аниқлаб олиш, шунингдек, мулкий муносабатларга оид бошқа қоидаларни киритишга ҳақли.

Мазкур шартнома эр-хотиннинг ихтиёрига кўра исталган вақтда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

* * *

**Савол: — Пенсияга чиқиш пайтида ногирон фарзандимни парвариш қилган вақтим меҳнат стажига қўшиладими?**

**Гавҳар Сатторова,**
**Чилонзор тумани.**

**Жавоб:** — "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ 1-гуруҳ ногиронига ёки 16 ёшгача бўлган ногирон болага, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган (даволаш муассасасининг хулосасига кўра) 80 ёшга тўлган қарияларга қараб турилган вақт меҳнат стажига қўшилади.

* * *

**Савол: — Кейинги вақтларда кўп касал бўлиб, шифокорларга тез-тез мурожаат қилишимга тўғри келмоқда. Бироқ тузалиб кетолмаяпман. Шу сабабли ногиронлик гуруҳи олиш учун қаерга мурожаат этишим керак?**

**Абдуҳалил Шокиров,**
**Мирзо Улуғбек тумани.**

**Жавоб:** — Ушбу ҳолатда дастлаб ўзингиз даволанаётган тиббий муассасага мурожаат қилишингиз лозим бўлади. Мазкур муассаса сизни тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК)га йўллаши мумкин. Бунда сизнинг касаллигингиз тўғрисидаги тиббий ҳужжатларингиз, лаборатория асбоблари орқали текширув натижалари, касаллик асоратлари, ўтказилган даволаш муолажалари натижаси ҳисобга олинади. Комиссия даволаш муассасаси томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва беморнинг бевосита кўрик орқали ҳаёт фаолиятининг чегараланиш тури ва даражаси аниқланиб, ногиронлик гуруҳи белгиланишига асос бўлса, ногиронликни белгилайди.

* * *

**Савол: — Агарда вояга етмаган ўсмирнинг соғлиғига шикаст етказилган тақдирда ушбу зарарнинг ўрнини ким қоплаши кераклиги хусусида тушунча берсангиз.**

**Наргиза Камолова,**
**Учтепа тумани.**

**Жавоб:** — Ўн тўрт ёшга тўлмаган ва иш ҳақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахс майиб бўлиб қолган ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилган тақдирда зарар етказилганлиги учун жавобгар шахс соғлиққа шикаст етказилиши сабабли қилинган харажатларнинг ўрнини қоплаши шарт.

Жабрланувчи ўн тўрт ёшга тўлганда, шунингдек, ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача бўлган иш ҳақи (даромад) олмайдиган вояга етмаган шахсга зарар етказилган тақдирда, етказилган зарар учун жавобгар шахс жабрланувчига соғлиққа шикаст етказилиши сабабли қилинган харажатлардан ташқари, шунингдек, унинг меҳнат қобилияти йўқотилганлиги ёки камайганлиги билан боғлиқ зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш баробари миқдоридан келиб чиқиб қоплаши шарт.

Агар вояга етмаган шахс соғлиғига шикаст етказилгунига қадар иш ҳақи (даромад)га эга бўлган бўлса, унда зарар ушбу иш ҳақи (даромад) миқдоридан келиб чиқиб, аммо қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг беш баробаридан кам бўлмаган миқдорда тўланади.

Соғлиғига илгари шикаст етказилган вояга етмаган шахс меҳнат фаолияти бошланганидан сўнг зарар учун тўланаётган ҳақни у оладиган иш ҳақи (даромад) ёхуд унга лавозими бўйича белгиланган ҳақ миқдоридан ёки у ишлаётган жойдаги айни шундай малакадаги ходимнинг иш ҳақи (даромади) миқдоридан келиб чиқиб, кўпайтиришни талаб қилишга ҳақли.

**Мавлуда НОСИРОВА,**
**Моҳира СОДИҚОВА,**
**ҳуқуқшунослар**

---

Таълим

# ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

**Машҳур файласуф ва маърифатпарвар Жан Жак Руссо: «Бир соатлик иш бир кунлик тушунтирувдан кўра кўпроқ нарса беради, чунки мен болани устахонада машғул қилар эканман, унинг қўллари ақли учун ишлайди: у ўзини, бор-йўғини ҳунарманд ҳисоблагани ҳолда файласуфга айланади», деб ёзган эди.**

Бинобарин, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш жорий "Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш йили"да муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Шу маънода Юнусобод туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан "Бободеҳқон" маҳалласи ҳамкорлигида ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт марказида ўтказилган "Очиқ эшиклар куни" мамлакатимиз таълим тизимидаги устувор вазифалар ижросига қаратилганлиги билан эътиборлидир.

Тадбирни ўқувчи-ёшлар техник ижодиёт маркази директори ўринбосари Дилором Тўхтахўжаева кириш сўзи билан очар экан, бугунги ўзгаришлар, таълим сифатига замонавий андозалар жорий этилаётган бир даврда ўқитувчи-педагоглар, ўз иқтидорини намойиш этишга чоғланган истеъдодли ўқувчилар олдида турган масъулиятли вазифалар, айни чоғда яратиб берилаётган қулайликлар ҳақида тўхталди. Шундан сўнг сўз туман халқ таълими бўлимининг маънавий-ахлоқий ва спорт ишлари бўйича бош мутахассиси Муаззам Ғуломовага берилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, мактабдан ташқари таълим тизими ўқитувчидан улкан салоҳият, иқтидор ва энг муҳими, танлаган касбига нисбатан чексиз меҳр-муҳаббатни талаб этади. Шу боис марказнинг уч нафар тўгарак раҳбарлари Дмитрий Ильинский, Илёс Жонхўжаев, Ҳамида Ҳамидовалар кўп йиллик фидокорона меҳнати, жамоат ишларидаги жонкуярлиги туфайли туман халқ таълими бўлимининг Фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.

– Бугунги "Очиқ эшиклар куни" том маънода ўқувчилар иқтидорларининг янада кенг қулоч ёйишида ўзига хос омил бўлиб қолиши керак, – дейди марказ директори Нуриддин Муҳидов биз билан суҳбатда. – Шу боис туман мактабларидан иқтидорли, келажакда касб-ҳунар сирларини пухта ўрганишга астойдил меҳр қўйган ўқувчиларни таклиф этганмиз.

Алломалар: "Ёшликда ўрганилган илм тошга битилган нақш кабидир", деб ёзишган. Бироқ интилиш, шавқу шиддат қанчалик зўр бўлмасин, у ўз вақтида рағбат суви билан суғорилмас экан, умри поёнига етган ниҳол аҳволига тушади. Айни шу ҳаётий ҳақиқатни яхши англаган марказ маъмурияти томонидан ўзлари аъзо бўлган тўгаракнинг тўлиқ курсини аъло баҳоларга битирган тўрт нафар ўқувчилар – Темур Муравлов, Озода Раҳимова, Манзура Абдуғаффорова, Хуршида Ҳалимоваларга сертификат топширилди. Бундан ташқари марказнинг жамоат ишларида алоҳида фаоллик кўрсатган 14 нафар ўқувчиларига Фахрий ёрлиқлар топширилди.

Кеча якунида намойиш этилган бисер тўқиш, зардўзлик, ракетамодел, автомодел, радиотехника, тўқувчилик тўгаракларининг фаолиятини акс эттирувчи кўргазма, дилкаш наволар йиғилганларда илиқ таассурот уйғотди.

**Хидирали ПАНЖИЕВ**

---

**Эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенгликни таъминлаш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир.**

# МУБОРАК ҲАЖ САФАРИГА ҲОЗИРЛИК

Истиқлол йиллари мамлакатимизда миллий урф-одат ва анъаналаримиз қатори диний қадриятларимиз ҳам қайта тикланди. Юртимиз мусулмонлари ислом динининг барча арконлари, жумладан, ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш имконига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Мусулмонлари идорасидан маълум қилишларича, мустақиллик йилларида ўн минглаб юртдошларимиз ҳаж зиёратини адо этган. Жорий йил ҳам беш минг нафардан зиёдроқ ҳамюртимизнинг муборак сафарга йўл олиши режалаштирилмоқда. Бунинг учун давлатимиз томонидан барча зарур шарт-шароит яратиб берилаётир.

— Ўтган йиллардагидан фарқли равишда, бу йил зиёратчилар Бухоро, Урганч, Термиз, Наманган шаҳарлари аэропортларидан ҳам Саудия Арабистонига жўнаб кетиш имкониятига эга бўлишади, — дейди Ўзбекистон Мусулмонлари идораси халқаро алоқалар бўлими мудири Саидбаҳром Ғуломов. — Бу ушбу ҳудудлардан ҳаж сафарига жўнаш учун ҳозирлик кўраётган юртдошларимизга қулайлик яратиб, уларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиши, шубҳасиз.

Айни пайтда зиёратчилар иштирокида жойларда ўтказилаётган учрашувларда ҳамюртларимизга ҳаж амалларини адо этиши учун тегишли тавсиялар ва белгиланган бошқа тартиб-қоидалар ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Зиёратчиларнинг дастлабки гуруҳи 10 ноябрь куни Тошкентдан Саудия Арабистонига йўл олади.

**Х.САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

